



О.Нематов

2022й

**БУЮРТМАЧИ:**

**«ҚАМЧИҚАВТОЙЎЛ» ИЙФУК**  
тасарруфидаги А-373 "М-39 а/й 230 км.да жойлашган  
"Стелла" атрофини ободонлаштириш, "Қамчиқсой"  
кўпригига перила ўрнатиш, ҳамда бир дона ишчилар  
ювиниш вагонини жорий таъмирлаш ишларига  
лойиха-смета хужжатлари тайёрлаш учун

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Қамчиқ довони -2022**

**Танлов хужжатларининг мазмуни:**

**I. Танлов иштирокчилари учун йўриқном**

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги №276-сонли Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонунга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 апрелдаги №684-сон билан руйхатдан ўтказилган "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонун тартиби асосида ишлаб чиқилди

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1. Хизматда шартнома асосида “Қамчиқавтойўл” ИЙФУК тасарруфидаги А-373 “М-39 а/й 230 км.да жойлашган “Стелла” атрофини ободонлаштириш, “Қамчиқсой” кўпригига перила ўрнатиш, ҳамда бир дона ишчилар ювиниш вагонини жорий таъмирлаш ишларига лойиха-смета хужжатлари тайёрлаш учун.

1.2. Танлов охириги қиймати – 6 000 000 (Олти миллион) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан лойихачи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун.

1.5. Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “ҚАМЧИҚАВТОЙЎЛ” ИЙФУК, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: 160018, Узбекистон, Наманган вилоятм Поп тумани, А-373 “Тошкент-Ўш” автомобил йўлининг 230 км, Резак қишлоғи, Булоқ массиви

Эл.адрес: qamchiqiyfk@mail.ru, qamchiq@uzavtoyul.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Қамчиқавтойўл” ИЙФУК биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади: танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳукукий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха хужжатлари, хусусан, лойихани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида муурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Шартномалар бўйича етакчи мутахассис



А.Умаров